МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

21 (675)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2009 йил 27 май. Чоршанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган | www.mahalla.uz

ПРЕЗИДЕНТ БРАЗИЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 26 май куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Ўзбекистон ва Бразилия халқаро майдонда яқиндан ҳамкорлик қилади, бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Лотин Америкасида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома аъзоси сифатида Бразилия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон БМТ органларига Бразилия номзодларини ёқлаб келади. Умуман, икки мамлакатнинг халқаро муаммоларга, ривожланиш масалаларига қарашлари ўхшаш ва яқин.

Ўзбекистон ва Бразилия савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларга ҳамкорликнинг муҳим бўғини сифатида қарайди. «Ўзинфоинвест» агентлиги билан Бразилиянинг Савдо ва сармоя агентлиги (АПЕКС) ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Икки мамлакат ўртасида турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда, 2008 йили Сан-Паулуда Ўзбекистон-Бразилия бизнес-форуми ташкил қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

(ЎзА)

Парвозингиз баланд бўлсин, спортчи ёшлар



«Умид ниҳоллари — 2009» В.ГРАНКИН олган сурат.

Гулистонда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг финали — республика босқичига старт берилишига оз кунлар қолди. Ушбу кичик олимпиадада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган мактаб ўқувчилари спортнинг 12 тури — сузиш, стол тенниси, қўл тўпи, волейбол, енгил атлетика, футбол, баскетбол, бадиий ва спорт гимнастикаси, шахмат-шашка, кураш ҳамда белбоғли кураш бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Спортнинг оммавийлигини таъминлашда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг ўрни катта эканлигини бугун кўпчилик эътироф этмоқда. Маҳаллаларда, қишлоқларда, мактабларда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда юз минглаб ўқувчилар иштирок этишди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали томонидан берилган маълумотларга қараганда, кичик олимпиадада 157 та жамоа ва уларнинг таркибига кирган 2198 нафар ёш спортчилар майдонга тушадилар. Спорт мусобақаларини одиллик билан баҳолаб борадиган 136 нафар ҳакам аллақачон Гулистонга етиб келди. Мусобақаларни 155 нафар оммавий ахборот воситалари вакиллари холис ва тезкорлик билан ёритиб боришади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг ўтишидан олдин турли спорт турлари бўйича вилоятда фаолият олиб бораётган спорт федерациялари, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси каби ташкилотлар билан болалар ва ўсмирлар ўртасида «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчи оиласимиз», «Соғлом танда соғ ақл» каби спорт мусобақаларини ташкил этди.

Ширин шаҳридаги болалар спорт мажмуасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг саралаш босқичида енгил атлетика, волейбол, мини футбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда 400 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этган бўлса, Гулистон шаҳри ва Боёвут туманларидаги мактаблар ўртасида ўтказилган футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақаларида 3634 нафар ўқувчи қатнашди. Сардоба туманида бўлиб ўтган «Оилавий спорт мусобақалари»да 40 тага яқин ёш оилалар иштирок этишди.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг финал босқичига тайёргарлик кўриш жараёнида жуда кўплаб ёш спортчилар кашф этилди. Айниқса, биринчи босқичнинг ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлганлиги қатнашчиларнинг хотирасида бир умрга сақланиб қолди, десак янглишмаймиз. Бу босқичда 64589 нафар ўқувчи иштирок этди.

Ушбу спорт мусобақалари юртимизда спортни янада оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Республикамиз маҳаллаларида

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН КЎРГАЗМА

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмаси андижонлик ёшлар қалбида анчагача сақланиб қоладиган бўлди.

Боиси жорий йилда 9-синфни битираётган минглаб ёшлар ўзларини қизиқтирган ана шу саволга жавоб топдилар десак муболаға бўлмайди. Бу ерга йиғилган битирувчи ёшлар вилоят маркази ва яна 5 та туманда фаолият кўрсатаётган 60 та касб-ҳунар коллежларидаги шароит ва имкониятлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, чет эл грантлари асосида олинган ўқув жиҳозлари ва лаборатория ускуналари билан яқиндан танишдилар.

Бу йил «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг Андижон механика заводида 300 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бу иш ўринларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларига мўлжалланган. Жорий йилда вилоятда қарийб 56 минг ўқувчи ёшлар 9-синфни тамомлашди. Улар учун 104 та коллеж ва 12 та академик лицей шай турибди. Янги ўқув йили арафасида яна 14 та касб-ҳунар коллежларини ишга тушириш режалаштирилган. Тадбирда 104 та корхона ва ташкилотлар томонидан 700 та бўш иш ўринлари намойиш этилди. Ушбу кўргазма Хўжаобод тумани ва Асака шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

У.САКСОНБОЕВ

МЕНИНГ ҲОВЛИМ — МЕНИНГ ВАТАНИМ

Наманган тумани ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси ҳамкорлигида "Менинг ҳовлим — менинг ватаним" деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда туман маҳаллаларида истиқомат қиладиган оилаларнинг шахсий томорқаларидан унумли фойдаланиши, ҳовли, турар жойларининг саранжом-саришталиги ва ободлигига, шунингдек, маҳалла ҳудудида кичик боғ-роғлар барпо этиш, манзарали ҳамда мевали дарахтлар экиш борасидаги ишларига эътибор қаратилди. Кўрик-танлов якунига кўра, "Хонобод" маҳалласида яшовчи Баҳодир Боқиев хонадони ғолиб деб топилиб, таъсисчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Қишлоқ, хонадон, қолаверса, маҳалла ҳудудининг янада обод бўлишига хизмат қиладиган бундай кўрик-танловлар тумандаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасалари ўртасида ҳам ўтказилди.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
"Mahalla" мухбири.

ЁШЛАР САЙЛИ

Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур майдонида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган «Шаҳрисабз баҳори» ёшлар сайли бўлиб ўтди. Тадбирда тумандаги барча маҳаллалар ёшлари, ота-оналар ҳамда чет эллик меҳмонлар иштирок этишди.

— Биз Хива шаҳрида бўлиб, у ердаги тарихий ёдгорликларга бўлган эътибор билан яқиндан танишгандик, — дейди австралиялик Росс Девинсентис. — Буюк Темур таваллуд топган ватанда эъзозланаётган ноёб осори-атиқалар ўзбек халқининг бой тарихини, юксак маънавиятини ўзида мужассам этиш билан бирга, инсониятни эзгуликка, ватанпарварликка чорлаб турганини ҳис этиш қийин эмас. Ана шу хислатларни бугун ўзбек ёшларининг кўзларида кўриш мумкин. Маҳаллалар эса бу йўлда ўзининг ўрнига эга. Дарвоқе, маҳалла институтлари биз учун янгилик.

Сайлда маҳаллалардаги «Устоз-шогирд» марказларида ҳунар ўрганаётган йигит ва қизлар ҳамда мактаб ва коллежларнинг ўқувчи ёшлари ўзларининг ҳунармандчилик маҳсулотлари, шунингдек, миллий таомлар кўргазмалари билан иштирок этдилар. Фольклор ва эстрада жамоаларининг чиқишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ФАРЗАНДЛАР ИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбек халқи азалдан болажон. Шу боис, фарзанд тарбияси, келажаги учун қайғуриш барчамизга хос фазилат. Бу, аслида, аждодлардан мерос қадриятдир. Зеро, қадимдан маҳаллада фарзанд тарбиясига энг муҳим масала сифатида қаралган.

Аъло Абдуллаев *(ЎзА)* **олган сурат.**

Маҳаллада яшаётган ҳар инсон нафақат ўзининг, балки қўни-қўшниларининг фарзандлари тарбияси учун ҳам ўзини масъул, деб билган. Нотинч оилалардаги болалар тарбиясига путур етмасин, деган мақсадда кайвонилар бундай хонадонларда бўлиб, уларга панд-насиҳатлар қилишган. Фарзандлар қийинчилик кўрмасин, отасиз, онасиз ўсмасин, деган ният маҳалладошлар дилидан чуқур жой олган. "Бир болага етти маҳалла ота-она", деган халқона ҳикматнинг туб моҳияти ҳам шундадир.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори юртимизда ҳам 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланади. Истиқлол йилларида ёш авлодни комил инсонлар қилиб вояга етказишдек улуғвор вазифага жиддий эътибор эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғинлари қошида ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари тузилиб, уларнинг самарали фаолият олиб бориши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2008 йил 8 январдан "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши жамиятимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг аниқ механизмларини яратиб, болаларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб олишда катта аҳамият касб этди.

МАЪНАВИЯТ > [4]

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

25–26 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги ва 2009 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов сўзга чиқди. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Таъкидландики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати ҳисобот даврида илгари Олий Мажлис томонидан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ижро этилди. Бюджет жараёнида асосий эътибор мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида белгилаб берилган энг муҳим устуворликларини амалга оширишга қаратилди. Мамлакатда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ва унда назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари, транспортда ташишлар, савдо ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари ўсди, янги иш ўринлари яратилди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларининг кучайтирилганлиги, сифатли ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий ва мослашувчан мини-технологияларнинг жорий этилганлиги, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи, шу жумладан технология жараёнларини оқилона ташкил этиш, ишлаб чиқаришда материал ва энергия сарфи ҳамда бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига пасайтирилганлиги, мослашувчан нарх сиёсати амалга оширилганлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда ҳал қилувчи омиллар бўлди.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚ

Диққат: танлов!

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг даромадлари даражаси ва фаровонлигини изчиллик ҳамда собитқадамлик билан оширишга, унинг эҳтиёжманд қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиб келинмоқда. Айниқса, иқтисодиётни ислоҳ этишнинг ҳар бир босқичида фуқароларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш давлатимиз томонидан устувор йўналиш сифатида белгиланаётгани эътиборга молик, албатта.

Жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида жуда кенг қўламдаги вазифалар белгилаб ўтилганки, уларнинг ижросини таъминлаш, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 майдаги «Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида ҳам айни шу эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжат яна шуниси билан аҳамиятлики, унинг ижросини таъминлаш қишлоқ аҳоли пунктлари меъморий қиёфасининг янгича мазмун касб этиши, жойларда анъанавий ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, маданий-маиший ҳамда ижтимоий объектлар қурилиши соҳасидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасидаги ибратли ишларни баҳолаш, шунингдек, рағбатлантириш мақсадларига хизмат қилади.

Қарорга биноан, танловни юқори савияда ўтказиш мақсадида унинг Низоми, ташкилий қўмита таркиби, ғолибларни мукофотлаш билан боғлиқ харажатлар манбаси тасдиқланди.

Танловни ташкил этишнинг тартиб ва шартлари қуйидагилардан иборат. Яъни «Тумандаги энг яхши қишлоқ» босқичи жорий йилнинг 30 июлига қадар, унинг «Вилоятдаги энг яхши қишлоқ» иккинчи босқичи эса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда 30 сентябргача бўлиб ўтади.

Жойларда тузилган ишчи гуруҳлар томонидан туманда 1-, 2-, 3- ўринни эгаллаган иштирокчилар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар саралаш босқичларига тавсия этилади. Унинг ғолиблари маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар томонидан рағбатлантирилади. Иккинчи босқичда 1-, 2-, 3- ўринларни банд этган иштирокчилар эришган натижалар умумлаштирилиб, ғолиблар «Республикадаги энг яхши қишлоқ» якуний босқичида иштирок этади.

Албатта, барча босқичларда иштирокчиларнинг салоҳияти маълум бир мезонлар асосида, яъни 100 балли тизимда баҳоланади. Бунда қишлоқ аҳоли пунктларини намунали сақлаш ҳамда бунёдкорлик борасидаги ишларга ҳомийларни ва аҳолининг кенг қатламини жалб этган ҳолда ташкил этиш, қишлоқ аҳоли пунктининг меъморий-бадиий қиёфаси, ижтимоий, маиший ҳамда муҳандислик инфратузилмалари билан таъминланганлик даражаси, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ аҳоли пунктида замонавий биноларни қуриш бўйича тайёрланган энг яхши лойиҳалар, шунингдек, транспорт ҳамда пиёдалар учун мўлжалланган йўлларнинг оқилона ташкил этилганлиги ҳамда амалга оширилган ободонлаштириш ишларининг, жумладан, жойларда санитария-гигиена талабларининг бажарилиш сифат кўрсаткичи каби омилларга эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, иштирокчилар танлов ҳайъатига тегишли мазмундаги ва шаклдаги маълумотларни ҳамда бошқа талаб этилган материалларни тақдим этишлари лозим.

Танловнинг якунловчи босқичи жорий йилнинг сўнгги чорагида бўлиб ўтади. Ғолибларга бош соврин — «Нексия» ва «Дамас» автомобиллари ҳамда пул мукофотлари топширилади. Иштирокчиларга диплом ва ҳомийлар томонидан таъсис этиладиган бошқа қимматбаҳо совғалар берилади. Шунингдек, «Энг обод қишлоқ» ва «Энг кўп кўркам қишлоғи бор вилоят» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритган қишлоқ фуқаролар йиғинлари танловнинг пул мукофоти ва махсус дипломлари билан тақдирланадилар.

Таъкидлаш жоизки, жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида яна бир қанча йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танлови ушбу эзгу ишларнинг ёрқин бир намунаси сифатида юртимиз узра қанот ёймоқда.

Мухбиримиз

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Австралияликлар ҳам маҳалламизни кўриб ҳайрон қолишди...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2009 йил 25 майдан 26 майга ўтар кечаси 2-3 нафар қуролланган босқинчидан иборат гуруҳ Андижон вилояти Хонобод шаҳрига кираверишда жойлашган милиция блок-постига портловчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ҳужум қилган.

Отишма пайтида бир нафар милиция ходими ва босқинчилардан бири яраланган.

Босқинчилар берилган зарба натижасида тун қоронғусида яширинишга улгурган.

26 май куни соат 13.45-14.00 да Андижон шаҳрининг Фитрат кўчасида номаълум киши ўзини-ўзи портлатиб юборган ва бунинг оқибатида бир нафар милиция ходими ҳалок бўлган, бир неча фуқаро жароҳатланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, босқинчилар гуруҳи Андижон вилояти ҳудудига қўшни Қирғизистондан кириб келган.

Айни пайтда Андижонда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлашган тузилмалари вакилларидан иборат тезкор штаб ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Тезкор-қидирув ишлари ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Азиз муштарий! Газетамизга обуна йил бўйи давом этади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва маслакдошингиздир.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

< [1]

Савол-жавоблардан кейин ҳисоботларнинг батафсил муҳокама этилиши жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мураккаб шароитларида мамлакатимизнинг Давлат бюджетини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси талай ишларни амалга оширганлигини қайд этиб ўтдилар. Хусусан, ҳукумат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа муҳим соҳаларни ўз вақтида молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йилги ва 2009 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Абдуназаров «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу қонун лойиҳаси электр энергетикаси борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, шу соҳадаги давлат назорати органларининг, мамлакат ягона энергетика тизимидаги электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ваколатларини, мазкур тармоқдаги бошқа долзарб масалаларни белгилаб беради.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш пайтида депутатлар электр энергияси ишлаб чиқариш, уни узатиш ва ўтказишда бозор механизмларини ривожлантириш шароитида мамлакатимиз электр энергетикасини янада такомиллаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш мақсадида депутатлар томонидан киритилган таклифлар ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини муҳокама қилишни Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисларида давом эттиришга қарор қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Аҳмедованинг маърузаси бўйича депутатлар «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Таклиф этилаётган ўзгартишлар мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларидаги тегишли атамалар ва тарифларни бир хиллаштиришга ва бир тахлитда қўллашга қаратилгандир. Ҳужжат қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги амалдаги ҳуқуқий нормалар синчиклаб таҳлил этилганидан кейин, миллий қонун ҳужжатлари талабларига қатъий мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган. Моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси депутатлар киритган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Тўхтабоев тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатимиз ҳудудида замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Таъкидландики, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар амалдаги қонун ҳужжатларини эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши амалиётига мослаштириш, уларнинг оператив бошқарувини мувофиқлаштириш зарурати билан боғлиқ. Киритилаётган тузатишлар эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартибига, қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар бериш механизмига, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириладиган фаолият турларига, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш тартибига тааллуқлидир.

Депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси А.Юнусова тақдим этди. Қонун лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияси (Женева, 1976 йил 26 июнь) Ўзбекистон томонидан ратификация қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилди. Мазкур конвенцияга мувофиқ ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш мажбурий мактаб таълимини тамомлаш ёшидан, яъни 15 ёшдан кичик бўлмаслиги керак. Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ва болаларни таълим олишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ишларни бажаришдан ҳимоя қилишга доир талаблари билан боғлиқ.

Мазкур ҳужжатни муҳокама қилиш пайтида депутатлар болалар ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш мамлакатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, соғлом, билимдон ёш авлодни шакллантириш ана шу вазифаларнинг амалга оширилишига боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Киритилган ўзгартишлар натижасида Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг меҳнат ҳуқуқи ва болалар ҳуқуқларини таъминлашни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш чоратадбирлари ўз натижасини бераётир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар қўлами мамлакатимиз тараққиётида улкан аҳамият касб этади. Хусусан, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш, қишлоқда турар-жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш каби вазифалар ижроси қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омилидир.

Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондининг тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, қишлоқ жойларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари ташкил этилиб, улар давлат рўйхатидан ўтказилди. Маълумотларга қараганда, эндиликда республикамиз бўйича 400 дан зиёд шундай корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда, корхоналар ва аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 200 дан зиёд ихтисослаштирилган қурилиш-савдо шохобчаси ташкил этилди. Жумладан, бугунги кунда Наманган вилоятида салкам 30 та ихтисослаштирилган пудрат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар қишлоқ жойларида муҳандислик ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш, жумладан, йўллар, энергия ва сув таъминоти тизимлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти иншоотларини реконструкция қилиш, транспорт коммуникация ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги босқичга кўтаришда изчил фаолият кўрсатаётир. Наманган туманидаги «Муҳандислик коммуникация ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш» хусусий корхонаси вилоят марказидаги 1991 йилгача қурилган 20 та кўпқаватли турар жой биносини таъмирлаш бўйича шартнома имзолаган эди. Айни чоғда, 5 та кўпқаватли уйнинг муҳандислик-коммуникация тармоғи ҳамда томлари сифатли таъмирдан чиқарилди. Корхонанинг устувор режасига кўра, тез орада 5 қаватли 50 хонадонга мўлжалланган замонавий турар жой биноси қад ростлайди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, вилоятдаги янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотлар балансида 200 дан зиёд техника воситалари мавжуд. Бу иш қўлами ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилаётир. Айни чоғда, молия муассасалари томонидан уларга янги техникалар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Янги ишлаб чиқариш субъектларининг ташкил этилаётгани, бир тарафдан, юртимизда қурилиш, ободончилик ишлари қўлами ортаётганидан далолат берса, иккинчидан, аҳоли бандлигини таъминлашга ва шу орқали уларнинг иқтисодий фаровонлиги ошишига хизмат қилаётир.

Гап қишлоқларимиз кўркини, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш хусусида кетар экан, яна бир муҳим ҳужжатга эътибор қаратиш лозим. Хусусан, Юртбошимизнинг 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари, янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик корхоналарига кредит бериш тизими жорий этилиб, уларга сифатли банк хизмати кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатгача кредит ажратиш йўлга қўйилди.

Юқорида қайд этилган ва бошқа тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлаш қишлоқ қиёфасини ва аҳоли уй-жой шароитларини яхшилашга, айни чоғда, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Олим ЭРГАШЕВ

БУНЁДКОРЛИК ҲИССИ МУЖАССАМ

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Бугунги дориломон кунларнинг шукуҳи, таровати, тинчлик, осойишталик қадр-қиммати яқин тарихнинг бирор-бир даври билан солиштирганда янада равшанроқ намоён бўлади. Зеро, ҳаётий ҳақиқат қиёсларда аён бўлади, деб бежизга айтишмаган.

Ёши улуғлар яхши билишади: ўтган асрнинг 80-90-йилларида бир инсон уй-жой қурмоқчи бўлиб, тегишли идорага мурожаат қиладиган бўлса, кафтдек ерни олгунча тим қора сочи қордек оқариб кетарди. Устига-устак ўша пайтлари қурилиш материаллари анқонинг уруғига айланган эди. Хуллас, кимдир уй-жой учун ер олиб, иморат тикласа, чор-атрофда шов-шув бўларди.

Шукрки, бугун шарт-шароит тамоман бошқача. Шаҳару қишлоқларимиз файзли, кўркам. Юртдошларимизнинг уйғоқ тафаккурида бунёдкорлик ҳисси мужассам.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш чоратадбирлари ўз натижасини бераётир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар қўлами мамлакатимиз тараққиётида улкан аҳамият касб этади. Хусусан, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш, қишлоқда турар-жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш каби вазифалар ижроси қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омилидир.

Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондининг тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, қишлоқ жойларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари ташкил этилиб, улар давлат рўйхатидан ўтказилди. Маълумотларга қараганда, эндиликда республикамиз бўйича 400 дан зиёд шундай корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда, корхоналар ва аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 200 дан зиёд ихтисослаштирилган қурилиш-савдо шохобчаси ташкил этилди. Жумладан, бугунги кунда Наманган вилоятида салкам 30 та ихтисослаштирилган пудрат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар қишлоқ жойларида муҳандислик ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш, жумладан, йўллар, энергия ва сув таъминоти тизимлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти иншоотларини реконструкция қилиш, транспорт коммуникация ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги босқичга кўтаришда изчил фаолият кўрсатаётир. Наманган туманидаги «Муҳандислик коммуникация ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш» хусусий корхонаси вилоят марказидаги 1991 йилгача қурилган 20 та кўпқаватли турар жой биносини таъмирлаш бўйича шартнома имзолаган эди. Айни чоғда, 5 та кўпқаватли уйнинг муҳандислик-коммуникация тармоғи ҳамда томлари сифатли таъмирдан чиқарилди. Корхонанинг устувор режасига кўра, тез орада 5 қаватли 50 хонадонга мўлжалланган замонавий турар жой биноси қад ростлайди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, вилоятдаги янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотлар балансида 200 дан зиёд техника воситалари мавжуд. Бу иш қўлами ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилаётир. Айни чоғда, молия муассасалари томонидан уларга янги техникалар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Янги ишлаб чиқариш субъектларининг ташкил этилаётгани, бир тарафдан, юртимизда қурилиш, ободончилик ишлари қўлами ортаётганидан далолат берса, иккинчидан, аҳоли бандлигини таъминлашга ва шу орқали уларнинг иқтисодий фаровонлиги ошишига хизмат қилаётир.

Гап қишлоқларимиз кўркини, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш хусусида кетар экан, яна бир муҳим ҳужжатга эътибор қаратиш лозим. Хусусан, Юртбошимизнинг 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари, янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик корхоналарига кредит бериш тизими жорий этилиб, уларга сифатли банк хизмати кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатгача кредит ажратиш йўлга қўйилди.

Юқорида қайд этилган ва бошқа тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлаш қишлоқ қиёфасини ва аҳоли уй-жой шароитларини яхшилашга, айни чоғда, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Олим ЭРГАШЕВ

Китоб тумандаги "Сезав" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида иккита қишлоқ врачлик пункти жойлашган. Ҳар иккала шифо маскани ҳам замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, малакали шифокорлар ҳудудда истиқомат қилаётган 13 мингдан зиёд аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Навоий номли маҳаллада жойлашган қишлоқ врачлик пункти ўтган йили иш бошлаган эди. 50 ўринга мўлжалланган мазкур муассасада айни пайтда 45 нафар малакали тиббиёт ходимлари фаолият юритмоқда.

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ЁШЛАР МАНФААТИ

анжуман иштирокчиларининг диққат марказида бўлди

Яқинда юртимизнинг қадимий ва навқирон гўшаларидан бири — Шаҳрисабзда "Қишлоқ ёшлари манфаатларини таъминлашнинг долзарб вазифалари" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Адолат" социал-демократик партияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Руломов мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани ва улар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Шу билан бирга, анжуманда жорий "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётгани, айни чоғда, эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали кўплаб имкониятлар ишга солинмагани, бу борада ОАВ ходимларининг фаоллигини янада ошириш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги қишлоқ ёшларининг орзу-интилишлари, муаммолари бу борада давлат органлари, жамоат бирлашмалари, хусусан, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар, улар олдида турган долзарб масалалар ҳақида сўз юритишди.

Конференция иштирокчиларининг Шаҳрисабз туманидаги ёш тадбиркор ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билан учрашувлари, ўқув, спорт, маданият масканлари фаолияти билан танишуви тадбир таъсирчанлигини оширди. Унинг "Шаҳрисабз баҳори" ёшлар сайлига уланиб кетгани эса барча иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот хизмати

"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3434-ПФ-сонли Фармони асосида ҳудудида камида 500 оила яшайдиган барча маҳаллаларда, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган шаҳарча (посёлка), қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи (бундан кейин матнда маслаҳатчи) лавозими жорий этилди.

Ҳозирги кунда республикамизда мавжуд фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ҳаётий тажрибага эга бўлган, эл-юрт олдида обрў-эътиборга эришган ижтимоий фаол хотин-қизлар аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида миллий қадриятлар ҳамда ибратли урф-одатларни тарғиб қилиш ва ривожлантириш каби масалаларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

II. Кўрик-танловнинг мақсади

"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг қишлоқларида "Бир келиб кетинг қишлоғимизга", Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг шаҳарларидаги маҳаллаларда эса "Бизнинг маҳалла" шиори остида ўтказилади.

Кўрик-танловдан кўзланган мақсад:

маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартараф этиш, носоғлом муҳит юзага келган оилаларни аниқлаш ва ёрдам бериш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини, ибратли урф-одат ва анъаналарни тарғиб этиш, шунингдек, зарур дамларда кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзиш каби эзгу фазилатларни намоён этишда самарали фаолият кўрсатиб келаётган маслаҳатчиларни аниқлаш ва уларнинг ижобий иш тажрибаларини кенг оммалаштириш;

ҳудуднинг ўзига хос қадриятлари ва анъаналарини, халқимизнинг бой тарихий, маънавий меросини, маҳалла аҳолиси орасида ҳурмат қозонган қариялар, зиёли инсонлар ва намунали оилаларнинг ибратли ҳаётий тажрибасини тарғиб этиш.

III. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танлов қишлоқ (овул) маҳаллалари маслаҳатчилари ва шаҳарча (шаҳардаги туманлар) фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида 3 та шарт асосида ўтказилади. Ҳар бир шарт 10 баллдан баҳоланиб, умумий баллар жамланади ва ғолиблар аниқланади.

Кўрик-танловда маҳаллада истиқомат қилувчи етакчи, фаол аёллар ва намунали оила бекаларидан, жами 7 нафардан иборат маслаҳатчилар гуруҳи иштирок этади.

1-шарт. Маслаҳатчилар томонидан маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш ҳамда намунавий низомда белгиланган вазифалар, фаолиятларининг асосий йўналишлари, иш усуллари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ижросини таъминлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишда олиб бораётган ишларига оид ҳужжатлари ҳамда ўтказилган тадбирлар натижасида эришилган ютуқлари тўғрисидаги тегишли маълумотлари ўрганиб чиқилиб баҳоланади.

2-шарт. Маслаҳатчиларнинг иш фаолиятига оид фотоальбом, плакат ва стендлари ҳамда ҳудудда шаклланган чуқур тарихий илдизга эга бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадриятларнинг ўзига хослиги, ҳунармандчилик ишлари ва хотин-қизларнинг кийиниш маданиятига оид миллий либослар кўргазмаси намойиш этилади.

3-шарт. Ҳар бир маслаҳатчи гуруҳи ўз маҳалласи ва қишлоғининг тарихи, ҳудудининг ўзига хос турмуш тарзи ва маданияти, замонавий юксалиши ҳамда шу ҳудудининг фахри деб аталувчи улуғ инсонларнинг ҳаёт йўли ҳамда иш фаолияти ҳақида чиқиш ташкил этади. (15-20 дақиқа).

Ушбу шартда маслаҳатчи ўз фаолиятидаги иш тажрибасини кенг тарғиб этишда таъсирчан усуллардан фойдаланган ҳолда акс эттириши мақсадга мувофиқдир.

IV. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан 2009 йилнинг июнь, июль ойлари давомида, Республика босқичи август ойида юртимизнинг мустақиллик байрами арафасида ўтказилади. Ҳудудларда ўтказиладиган кўрик-танловда республика ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этадилар ҳамда маслаҳатчиларнинг иш фаолияти, эришган ютуқлари, ҳудуднинг ўзига хос турмуш тарзи, маданияти ва замонавий қиёфаси билан танишадилар.

V. Кўрик-танлов босқичлари

Биринчи босқич. Ҳар йили июнь ойи давомида туман ва шаҳарларда тегишли комиссиялар томонидан ўтказилиб, ҳар бир туман (шаҳар)дан биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар белгиланади ва биринчи ўринга муносиб номзод Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич. Июль ойида ўтказилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъати туман (шаҳар)да биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчилар фаолиятини яна бир бор жойларда батафсил ўрганиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб намунали маслаҳатчиларни аниқлайдилар ва уларни муносиб рағбатлантириш тўғрисида тегишли "Маҳалла" хайрия жамғармаси бўлим бошқаруви ҳамда Хотин-қизлар қўмитасига тавсия этадилар.

Учинчи босқич. Кўрик-танловнинг Республика босқичи ҳар йили мустақиллик байрами арафасида Республика комиссияси томонидан 3 та ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилади.

I ҳудуд. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари.

II ҳудуд. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.

III ҳудуд. Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри.

Кўрик-танловнинг қайси ҳудудда ўтказилиши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўригида биринчи ўринга сазовор бўлган маслаҳатчилар эришган ютуқлари республика Ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилади ва ҳар бир ҳудудда биттадан биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар белгиланади.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси қўшма Раёсат йиғилишида билдирилган таклифларни эътиборга олган ҳолда ҳудудлараро биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчилар орасидан республика бўйича энг намунали маслаҳатчи танлаб олинади.

VI. Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Кўрик-танловда қатнашган ҳар бир фуқаролар йиғини маслаҳатчиси ҳақида тайёрланган тўлиқ маълумотнома керакли иловалар, фуқаролар йиғини кенгашининг қарори ва фуқаролар йиғилиши раиси тавсияномаси билан тегишли туман (шаҳар) Ишчи гуруҳига белгиланган муддатда тақдим этилади. Маълумотнома фуқаролар йиғини раиси имзоси ҳамда маҳалла муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман ишчи гуруҳи томонидан энг намунали деб топилган маслаҳатчи маълумотномасини фуқаролар йиғини кенгаши қарори, ўз қарори билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссияларига тақдим этадилар

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчи ҳужжатларини, ўз қарори билан бирга барча бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Республика кўрик-танлов комиссиясига киритади.

Республика кўрик-танлов ҳайъати тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, кўрик-танлов ғолиблари иш фаолияти юзасидан кўргазмали чиқишлар ташкил этади ва ҳудудлар бўйича ғолиблар аниқланади.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда республика Хотин-қизлар қўмитаси Раёсатининг қўшма йиғилиши қарори билан ҳудудлараро биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчилар орасидан республика бўйича энг намунали маслаҳатчи танлаб олинади.

Республика кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрамини нишонлаш арафасида якунланади. Кўрик-танловнинг натижалари ва ғолиблар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг нашри "Mahalla" газетаси орқали мунтазам ёритиб борилади.

VII. Ғолибларни тақдирлаш

"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови ғолиблари Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Дипломи ва қимматбаҳо совғалари, кўрик-танлов иштирокчилари эса қуйидаги 5 та номинация бўйича фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар:

1. Тарихий анъаналарни асраштаги энг фидойи гуруҳ;
2. Энг ижодкор ва маҳоратли аёл;
3. Энг намунали кўргазма соҳибаси;
4. Энг кўркам миллий либослар учун;
5. Намунали маслаҳатчи — ўзбекойим.

Маслаҳатчи минбари

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ЮТУҚЛАР

фаолиятимизга ривож, кўнглимизга таскин бермоқда

Сир эмас, бугун маҳалла маслаҳатчиси зиммасидаги вазифалар салмоғи катта. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, аҳоли ўртасида ўқув машғулотлари ўтказиш фаолиятимизнинг устувор вазифасига айланган. Кейинги тўрт йилда маҳалламизда оналар ва болалар ўлимининг қайд этилмагани бизни қувонтиради. Юзага келаётган айрим оилавий муаммолар яраштириш комиссияси билан ҳамкорликда бартараф этилаётгани боис, охирги уч йил мобайнида оилавий ажримлар ҳам қайд этилгани йўқ.

Бундан ташқари, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш, оилалар бюджетини яхшилаш масалалари ҳам долзарбдир. Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси бўйича ҳозиргача кам таъминланган оилалардан 16 тасига қорамол олиб берилди.

"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловида 2007 йилда биринчи ўринга сазовор бўлган Хатирчи тумани Усмон Боиров номидаги маҳалла маслаҳатчиси Ҳусния Ёрбекова ҳамда ушбу танловнинг 2008 йилдаги ғолиби Қизилтепа туманидаги "Милтиқчи" маҳалласи маслаҳатчиси Гулчеҳра Очилованинг илғор иш тажрибаси вилоят миқёсида кенг оммалаштириляпти. Хусусан, уларнинг ҳужжат ишларини юритиш, аҳоли билан индивидуал тартибда ишлаш борасидаги тажрибаларидан биз ҳам фойдаланяпмиз.

"Кулолон" маҳалласидаги иш фаолиятимни ҳудуддаги оилаларнинг ижтимоий-демографик харитаси ва маълумотлар базасини яратиш, шу асосда аҳоли ўртасида маънавий-тарбиявий ишларни олиб боришнинг чора-тадбирларини белгилашдан бошлагандим. Натижа яхши бўлди. Дастлаб аниқланган учта нотинч оила ҳамда икки нафар маънавий-ахлоқий носоғлом аёл билан якка тартибда иш олиб бордик. Намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибасига суяниб ўтказган суҳбатларимиз туфайли улар соғлом турмуш тарзига қайтарилди.

Ёшлар, хотин-қизларнинг носоғлом диний оқимлар таъсирига тушиб қолишига чек қўйиш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлар, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини олиб бордик. Вояга етмаганлар ўртасида 2005-2008 йилларда бирорта ҳам жиноят содир этилмагани саъй-ҳаракатларимизнинг самарасидан далолатдир.

"Кулолон"да юрагида ўти, билагида кучи бор каттаю кичик меҳнат билан машғул. Маҳаллада томорқадан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланди. Иссиқхоналарда қишин-ёзин турли ноз-неъматлар етиштириб, эл-юрт дастурхонининг тўкинлигини таъминлаётган Карим Тўхтаев, Меҳриддин Хайруллаев, Эшонқул Раҳимов, Хурсандой Раҳматуллаевалар деҳқончиликнинг ҳадисини олишган. Нафақат полиз ва сабзавот экинлари, балки лимончиликда ҳам улардан ўрнак олса арзийди. Қувонарлиси, бу оилалар 2-5 сотих ердан бир йилда 5-7 миллион сўмдан ошириб даромад олишади.

Маҳалла тадбиркори Тойиржон Тўхтаевга қарашли "Элобод чеварлари" кичик корхонасида 26 нафар хотин-қиз тикувчилик билан машғул. Шунингдек, маҳалламизда очилган "Уй тўгараклари"да фаол ва зиёли аёллар, қўлигул чеварлар томонидан ёшларни касб-ҳунарга, оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида машғулотлар, суҳбатлар олиб бориляпти. Ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан бой "Кулолон" маҳалласида ёшу кексанинг мақсади битта: шу азиз Ватан обод, элимиз омон, кўнгиллар шод бўлсин.

Шоира САМАДОВА,
Қизилтепа туманидаги "Кулолон" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Очиқ акциядорлик тижорат

TURON BANK

миллий валютадаги қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

Баҳор

сақланиш муддати 3 ой, омонат фоизи йиллик 30 %, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Тошкент—2200

сақланиш муддати 12 ой, омонат фоизи йиллик 24 %, фоизлар ҳар ойда берилади, омонат 2009 йилнинг 30 июнига қадар қабул қилинади.



"Турон" банк – сармоянгизнинг барқарор ўсиши.

Дунёдан дараклар

Болалар ўлими камаймоқда

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сўнгги 17 йил ичида Ер шарида болалар ўлими 27 фоизга камайган.

Ҳозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларда беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ҳар 1000 нафаридан 6 нафари, Марказий ва Шарқий Европа давлатларида 27 нафари ҳалок бўлмоқда. Африканинг Сахарагача бўлган жанубий мамлакатларида беш ёшгача бўлган болаларнинг ҳар олтинчиси қурбон бўлмоқда, дейилади маълумотда. 2007 йилда беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим ҳолати 9 миллионга етган. Бу 1990 йилдаги кўрсаткичдан 3,5 миллионта кам демакдир.

Таъкидлаш жоизки, БМТнинг Мингйиллик ривожланиши дастурида 2015 йилгача оналар ўлими 3/4 қисмга, болалар ўлими эса 2/3 қисмга қисқартиришга эришиш вазифаси қўйилган эди. Бироқ барча мамлакатларда ҳам оналар ва болалар ўлими қисқараётгани йўқ. Экспертларнинг таъкидлашича, бир қатор қашшоқ мамлакатлар соғлиқни сақлаш борасида тегишли тадбирларни ўз вақтида олиб бора олмаётгани сабабли 2015 йилгача белгиланган кўрсаткичга эриша олмайди.

Келажакка ишонч туйғуси

Жаҳонда рўй бераётган иқтисодий инқироз, урушлар, грипп вирусларининг тарқалиши ва турли офатлар инсониятнинг келажакка бўлган ишончини сўндира олмайди ва дунё аҳолисининг асосий қисми (89 фоизи) ўз ҳаётларини яхши томонга ўзгаришига қатъий ишонишади.

АҚШнинг Канзас штати университети социолог олимлари ва Gallup компанияси олиб борган ижтимоий тадқиқотлар бундай фикрга келишга асос бўлади. Сўровда 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган дунёнинг 140 мамлакатида яшайдиган 150 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Бу кўрсаткич дунё миқёсида олиб борилган ижтимоий сўровномаларнинг энг кенг қамровлисидир. Ижтимоий сўровда олинган натижалар шуни англатадики, Ер шари аҳолисининг аксарияти келгуси беш йилда ўз ҳаётлари ҳозирги кундагига қараганда яхши, ҳатто жудаям яхши бўлишига, 95 фоизи эса, келгуси беш йилда ўтган беш йилга қараганда яхши яшашларига ишонишади.

3 миллиметрли телевизор

Японияниг дунёга машҳур Sony компанияси ўзининг яна бир антиқа ва гаройиб маҳсулотини – телевизорларнинг янги авлодини сотувга чиқарди.



Уларни худди қоғозни ўрагандек найча шаклида ўраб шкафга ёки бошқа бирон жойга йиғиб қўйиш мумкин. Янги телевизор экранининг қалинлиги атиги 3 миллиметрни ташкил этади. Муҳими ва қўпчиликка маъқул бўлаётган томони – ушбу телевизорларда тасвир плазма воситасида ишлайдиган ёки бошқа усулда ишлаб чиқарилган экранлардагидан анчагина тиниқ кўринади. Янги турдаги телевизорлар японияликлар олимлар томонидан органик светодиодлар асосида яратилган. Кунчиқар юртда бундай телевизорларнинг турли ўлчамдаги кўринишлари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, 25,5 миллиметрга тенг экранли бундай телевизорни бир ярим минг долларга сотиб олиш мумкин. Дунёнинг бошқа мамлакатларида эса бу каби кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортадиган телевизорларни бир мунча қиммат нархда учратиш мумкин.

Машинани маст ҳолда бошқарманг!

Бу гап автомашинадан фойдаланиш оммавий тус олгандан буён неча минг марта айтилмаган дейсиз?! Бироқ бундан тийилиш борасида келишиб олишган ҳайдовчилар баъзан ана шу келишувни яна "ювиб" қўйишмоқда.

Бундай бўлмасин, дейсану, бироқ ушбу огоҳлантириш яна неча минг-минг марталаб айтилаверади, деган хаёлга борасан киши. Ахир ушбу қоидага риоя қилмаслик кимнинг ҳаётига, кимнинг эса молу давлатига катта йўқотишлар олиб келаётгани ҳақидаги хабарлар оқими тўхтаётгани йўқ. Норвегиялик 49 ёшли фуқаро ичкиликнинг автомобиль бошқаришга рухсат бериладиган миқдоридан қарийб 10 баравар кўп, яъни 0,020 литр ўрнига 0,18 литр спиртли ичимлик истеъмол қилиб, машина ҳайдагани учун 109 минг доллар қийматидаги жаримага тортилди. У автомобилни 400 метр масофага катта тезликда бошқарган. Мамлакат қонунларига асосан, жаримaнинг миқдори қанча бўлиши ҳайдовчининг ижтимоий ҳолати ва йиллик даромадига қараб белгиланади. Суд пайтида берилган маълумотга кўра, қоидабузарнинг бир йиллик даромади 36,6 миллион долларни, бир ойлик маоши эса 117 минг долларни ташкил этар экан. Ундирилган жаримадан ташқари у икки йилу уч ойга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Интернет хабарлари асосида Муҳайё РУСТАМ қизи тайёрлади.

Юртимизда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, энг аввало, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Натижада республикамизнинг чекка маҳалла ва қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли турмуши фаровонлиги йилдан йилга яхшиланяпти.

Андижон шаҳридаги "Қаландархона" маҳалласида яшовчи Садриддин Абдураҳмонов ҳам дурадгорлик устахонасини ташкил қилган эди. Эндиликда тадбиркор оиласининг моддий даромадини ошириш билан бир қаторда, қўплаб маҳаллий ёшларга уй-рўзғор жиҳозларини ясаш сирларини ўргатмоқда. Қувонарлиси, ёш усталарнинг ясаган мебеллари шаҳардаги кўплаб уй ва дўконларни безаб турибди.

СУРАТДА: *уста С.Абдураҳмонов шогирди Муроджон билан иш устида.*

Ф.МАЛЛАБОЕВ олган сурат.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

КУНИДА СИНГАН КЎЗА

ёхуд "қинғирликнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам очилади" мақолига амал қилмаган ака-сингиллар қилмиши ҳақида

Сир эмаски, бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироздан жиддий азият чекмоқда. Ҳукуматимиз ушбу инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирининг олдини олиш ва юмшатиш йўлларини ишлаб чиқиб, юрт фаровонлиги йўлида қайғурмоқда.

Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари дастуриламал бўляпти. Айрим фуқаролар эса бу эзгу ишларга яқдил бўлиш ўрнига, йирик миқдорда валюта қимматликларини чет мамлакатларга ташиш пайида бўлаётганлиги жуда афсусланарлидир. Андижон вилоят судида бир гуруҳ шахсларга нисбатан кўрилган жиноят иши фикримизга мисол бўлади.

...Ўттиз тўрт ёшни қаршилаган андижонлик Мақсуд Жўрабоев — бозор кўрган йигит, ушлаган ерини қўйиб юбормайдиган, уддабурон "тадбиркор"лардан бири. У синглиси Доно Жўрабоева билан Қирғизистоннинг Қорасув туманидан автомобиль эҳтиёт қисмларини олиб келар ва водий бозорларида сотар эди. Шу сабабли уни Андижоннинг "Жаҳон бозори"дан тортиб, Наманганнинг "Чорсу" бозоригача катта-кичик бари яхши танирди.

М.Жўрабоевни шайтон йўлдан урдими ёки тадбиркорликдан топаётган даромади кўзига камдек бўлиб кўриндими, ҳар қалай қинғир ишга қўл ура бошлади. 2007 йилнинг ноябрь ойида бозордаги тадбиркор танишларидан бири яқин орада янги мол олиб келиш учун Хитойга йўл олаётгани, унга тегишли катта миқдордаги АҚШ долларларини яширинча Қирғизистоннинг Ўш шаҳрига олиб бориб берса, эвазига яхшигина ҳақ тўлашини айтганда, у иккиланмай рози бўлади. М.Жўрабоев пулларни айланма йўллар орқали Ўш шаҳрига олиб ўтиб, тайинланган шахсларга бериб келган ва ўша етказиб берилган пулларга Хитойнинг сифатсиз, яроқсиз маҳсулотлари олиб келинган. Бора-бора жиноятчи "касб"га айланган М.Жўрабоев синглиси Д.Жўрабоевани ҳам бу жиноятга шерик қилади.

Оз-оздан бошланган долларлар миқдори секин-аста кўпая борди. Аввали андижонлик ҳамкасбларининг "юмушини" бажарган М.Жўрабоевга кейинчалик бошқа вилоятлар ва ҳатто Тошкент шаҳридан ҳам мижозлар оқиб кела бошлади. У эса ҳеч бирининг раъйини қайтармай, айланма йўллар орқали АҚШ долларларини Ўш шаҳрига етказиб бераверди. "Тошкент-Андижон" йўналишида киракашлик қилиб юрган Қутбилло Икромов ҳам жиноий тўдага қўшилади. Тошкент ва вилоятлардан юборилган пулларни Қ.Икромов етказиб бериб турган. Аммо М.Жўрабоев қинғирликнинг қийиғи бир кун келиб очилиб қолишини, "кўза кунда эмас кунида синишини" ўйламаган эди.

2008 йил 16 сентябрда тонгги соат 4.30 лар атрофида Хўжаобод тумани Суратош қишлоғи ҳудудидан давлат чегарасини Қирғизистон томонга ноқонуний кесиб ўтмоқчи бўлган тўрт нафар фуқаро чегарачилар томонидан тўхтатилади. Тўғри йўл қолиб эгри йўллан юришни афзал билган бу фуқароларнинг ҳаммаси аёллар бўлиб, нима учун айланма йўлни танлаганликлари сабаби сўралганда, саросимага тушиб қолишди. Божхона масканида холислар иштирокида текширилганда, ёнларидан жами 92 ўрамда хорижий валюталар топилди. 2 миллион 11 минг 700 АҚШ доллари, 17 миллион 974 минг 30 россия рубли ашёвий далил сифатида олинди. Маълум бўлишича, М.Жўрабоев ўша куни синглиси Доно Жўрабоева ва келинойиси Моҳира Жўрабоева, опаси Раъно Юсупова ва унинг қизини хонадонига йиғиб, ҳар бир ўрамни 5 минг АҚШ доллари эвазига тунда Ўш шаҳрига олиб бориб беришга кўрсатма беради. Опа-сингиллар ҳам Мақсуднинг таклифига ҳеч қандай эътироз билдиришмайди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди М.Жўрабоев, Д.Жўрабоева, Қ.Икромов, М.Жўрабоева, Р.Юсупова, А.Бадалбоев, Ф.Абдуллаевларнинг жиноят ишини кўриб чиқди. Унда судланувчиларнинг содир этган жиноятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, суд жиноий гуруҳ аъзоларини Жиноят кодексининг 177-(Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш), 182-(Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 223-(қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш) моддалари билан айбдор деб топди. М.Жўрабоев 16 йил, Қ.Икромов 15,5 йил, Д.Жўрабоева 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жазолади.

Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари – Р.Юсупова ва М.Жўрабоеваларга 2 йил синов муддати белгиланди. Жиноий гуруҳ аъзоларидан ашёвий далил сифатида олинган кўп миқдордаги пулларнинг бир қисмининг эгаси бўлган Аъзам Бадалбоев ва Фурқат Абдуллаевларга нисбатан эса 3 йил синов муддати белгиланди. Ашёвий далиллар 2 миллион 11 минг 700 АҚШ доллари, 17 миллион 974 минг 30 россия рубли ва жиноятларни содир этишда фойдаланилган, М.Жўрабоев ва Қ.Икромовларга тегишли "Нексия" автомашинаси жиноят қуроли сифатида эътироф этилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ҳаётнинг баланду-паст йўлларини босиб ўтган аждодларимиз баднафслик кишини ҳалокатга, жиноятга етаклашини билган ҳолда, жиноятга жазо муқаррар, дея "қинғирликнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам очилади", деб бежиз айтмаганлар.

Р.ПЎЛАТОВ

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ КЎЗЛАБ

Марғилон шаҳар ҳокимлиги томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида шаҳардаги деҳқон бозори қошида фаолият олиб бораётган "Савдо-харид" корхонаси тасарруфида пластик карточкалар ёрдамида савдо қилишга ихтисослашган янги дўконлар фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур дўконлар аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилди. Эндиликда бундай савдо шохобчалари шаҳар атрофидаги туманлар аҳолисига ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Охунбобоев, Олтиариқ, Тошлоқ ва Ёзёвон туманларидаги 165 та деҳқон-фермер хўжаликлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланди, — дейди "Савдо-харид" корхонаси раҳбари Абдумутал Икромалиев. — Айни кунгача 5 тоннадан ортиқ картошка, сабзи, пиёз, гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари харидорларга етказиб берилди. Шаҳардаги аҳоли гавжум жойларда банк терминаллари орқали савдо қилувчи шохобча ва дўконлар сонини кўпайтириш, савдо ярмаркалари ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам давом этмоқда.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ФАРЗАНДЛАР ИҚБОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

< [1]

Бу қонуннинг диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири шундаки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясида назарда тутилган қоидалар унда тўлиқ уйғунлаштирилди ва мустаҳкамланди.

Хусусан, Конвенциянинг тўртта асосий принципи — камситмаслик, бола манфаатларига содиқлик, яшаш, яшаб қолиш ва ривожланиш ҳуқуқлари ҳамда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш лозимлиги мазкур қонунда акс этган.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва вазифалари аниқ белгиланган. Хусусан, фуқаролар йиғинлари болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишда болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ҳамда бошқа ёрдамлар кўрсатиши қонунларини ташкил этиш, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига кенг эътибор қаратилган. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ратификация қилинган "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги ҳамда "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги Конвенциялар ҳам мамлакатимизнинг шу йўналишдаги қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда бола дунёга келиб, вояга етганга қадар эга бўлиши лозим бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатлар тўлиқ эътироф этилган. Маълумки, ушбу Конвенция мамлакатимизда ратификация қилингач, 1994 йил 29 июндан кучга кирди.

Шу вақт мобайнида унда белгиланган асосий тушунча ва тамойиллар давлатимиз қонунчилигида ўз аксини топиб борди. Эндиликда ишонч билан айтиш мумкинки, Конвенция доирасидаги ҳуқуқий меъёрлар юртимизда тўлиқ кучга кирди.

Дарҳақиқат, бугун фарзандларимиз бепул бошланғич таълим олиш ҳуқуқига эга. Ёшларимизнинг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун юртимизда замонавий жиҳоз ва техника воситалари билан таъминланган мактаб ҳамда коллежлар бисёр. Шу жумладан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратиб бериши ва бошқа нормалар қайд қилинган. Булар вояга етмаганларнинг тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч бир қаршиликсиз фойдаланиш имкониятига эга эканидан далолатдир.

Ҳ.АБДУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Маҳалламиз тарихи

«ДАРИ ЗАНЖИР» МОЗИЙДАН СЎЗЛАР

Самарқанд — юртимиз довруғини дунёга таратган, жаҳондаги не-не буюкларни ўзига мафтун этган шаҳар. Бу шаҳарда маҳаллаларнинг пайдо бўлиши IX-X асрларга бориб тақалади.

Шаҳардаги энг қадимги маҳаллалардан бири «Дари занжир» маҳалласидир. У IX асрда шаҳарнинг марказида пайдо бўлган ва XVI-XVII асрларда «Ҳаётихоннинг ҳовлиси» номи билан юритилган. Маҳаллий аҳоли хотин-қизларни бегона одамлар нигоҳидан сақлаш учун эшикларини занжирлашни одат қилгани учун маҳаллага "Дари занжир", яъни "Занжирланган эшик", деб ном берилган. Ҳудуднинг аксарият аҳолиси Зомин туманининг Култепа қишлоғидан кўчиб келган.

Абу Тоҳирхожанинг "Самария" асарида ёзилишича, "Дари занжир"да мадраса, масжид, ҳовуз, кўплаб савдо дўконлари бўлган. Шунингдек, маҳалла ҳудудида ислом оламидаги машҳур Чокардиза қабристони ҳам жойлашган. "Қандия" китобида таъкидланишича, Чокардиза нуфузи жиҳатидан Маккадаги Муалла, Мадинадаги Баҳия қабристонларидан кейин учинчи ўринда турган.

— Абу Мансур Мотуридий, Имом Бурҳониддин Марғиноний, Абулайс Самарқандий, Абулқосим Самарқандий, Жалолиддин Файзуллоҳ Самарқандий, Маҳдуми Хоразмий сингари кўплаб буюк зотлар шу ерда дафн этилган, — дейди Мотуридий мажмуаси имом хатиби Маҳмудхон Мухторов. — Қабристон қадимда жуда катта бўлган. Мустабид шўролар даврида эса унинг ўрнига иморатлар қурилган. Аллоҳга беадад шукрки, Юртбошимиз раҳнамолигида азиз жойлар обод қилинди, улуғ аждодларимизнинг номлари тикланди. Шулар қаторида Чокардиза қабристони жойлашган «Дари занжир» маҳалласида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди. Регистон ансамбли билан Чокардиза орасидаги кинотеатр ўрнига гуллар, манзарали дарахтлар билан бурканган яшил майдон барпо этилди. Имом Абу Мансур Мотуридий бобомиз хотирасига авлодлар эҳтироми сифатида маҳобатли ёдгорлик мажмуаси қурилди. Осмонўпар гумбазли мақбара пештоқидаги лавҳа ул зотнинг буюк хизматларини далолатлайди: "Ушбу қабр бутун умри давомида илм йиққан ва уни саховат билан улашган муборак зотникидир". Эндиликда бу жой халқимизнинг ва хориждан келаётган меҳмонларнинг азиз зиёратгоҳига айланиб қолди.



Шунингдек, Чокардизага олиб борувчи тор кўча тартибга келтирилди. Келгусида ҳудуддаги таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини давом эттириш, кенг ва равон йўллар, меҳмонхона қуриш, Имом Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ олиму фузалоларга устозлик қилган Жалолиддин Файзуллоҳ Самарқандийнинг қабри устига ёдгорлик ўрнатиш кўзда тутилган. Зотан, мамлакатимизда бошланган хайрли, эзгу ишлар режа асосида изчил амалга оширилмоқда.

"Дари занжир" маҳалласи, кўҳна Самарқанднинг қадимий қиёфасини сақлаш маъносида, қўриқхона мақомидаги ҳудудлари жумласига киради. Шу боис, бу ерда амалга оширилган ҳар бир иш катта масъулиятни талаб этади.

— Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан Мотуридий ёдгорлик мажмуаси 2000 йилда, қисқа фурсатда бунёд этилди. Ушбу баҳоят гўзал ёдгорлик истиқлол туфайли маҳалламиз кўркига кўрк қўшди, — дейди "Дари занжир" маҳалласи раиси Жўрахон Маллахўжаев. — Улуғ одамлар яшаб ўтган заминда муносиб авлодлар камол топади. Халқига, ватанига муносиб хизмат қилган таниқли инсонлар бу ерда яшаб ўтишган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шоир Набирахўжа Валихўжаев, у кишининг ўғиллари академик Ботирхон Валихўжаев, таниқли устозлар Ўлмас Ҳамидов, Маҳмудхон Маллахўжаев, Назира Қосимовалар улкан хизматлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишган. Маҳалламиз нуфузи тобора ортиб бормоқда. Хориждан келаётган меҳмонлар эски шаҳарда оз муддатга бўлса-да, яшаш орзусида бўлишади. Шуни ҳисобга олган тадбиркорларимиз маҳаллада хонадон меҳмонхоналарини қуришмоқдалар. Қуриб битказилган "Фурқат", "Баҳодур", "Гранд-ленд" сингари ўнлаб хусусий меҳмонхоналар хизматидан меҳмонлар мамнун бўлишяпти.

Айтиш жоизки, қадим Самарқанднинг турли даврларида турлича номланиб келинган "Дари Занжир" маҳалласи истиқлол шарофати билан ўзининг асл қиёфасини тиклаб, янада қўркамлашиб бормоқда.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

ДУНЁ СЕНИКИДИР, БОЛАЖОН

Дунёда турли миллатга мансуб болалар кўп. Улар ўз севинчини ота-онаси билан баҳам кўргиси келади. Шундай болалар борки, суюнганида ёнида суянчиғи бўлмайди. Улар ҳам кимларнингдир меҳрига муҳтож. Бу болажонларнинг дардини олиш, ҳасратига малҳам бўлиш йўлини ахтардим. Уларга меҳримни бериш учун Меҳрибонлик уйида ишлашга қарор қилдим.

Тарбияланувчиларнинг ҳужжатлари билан танишар эканман, болаларнинг тақдирини ўрганиб чиқдим. Қўлимда аниқ-тиниқ қилиб ёзилган 6 та тўпламга жойлаштирилган ҳужжатлар, тақдирлар...

Улардан бирини очдим. Папкага сочлари сап-сариқ, кўзлари мовий, юзлари думалоқ, кулгичлари ўзига ярашган боланинг сурати ёпиштирилган. Анкетасига "чин етим" деб ёзиб қўйилган. Охирги саҳифадаги сатрларни ўқир эканман, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Қандай ота-она шундай боладан воз кечди экан. Онасининг имзоси билан битилган тилхат мазмуни шундан иборат эди: "Мен ... 1992 йил 5 май куни туғилган ўғлимдан ўз ихтиёрим билан воз кечаман ва уни туғруқхонада қолдираман"... Худди шу мазмундаги ўз боласидан воз кечган отанинг тилхатини ўқир эканман, бу дунёнинг ишларига лол қолдим. Кимнингдир ёшлиги, ғўрлиги сабаб бола туғилади ва ташлаб кетилади. Бироқ, мен танишаётган боланинг отаси ҳам, онаси ҳам бор экан. Ҳужжатларни тортмага қўйдиму айнан шу бола билан танишиш мақсадида у тарбияланаётган гуруҳга шошилдим.

У синфхонасида биринчи партада жилмайиб турарди. Суратдагидан анча улғайган. Лабларида табассум мавж урса-да, кўзларда мунг, англаб бўлмас дард қотиб қолгандек. Шу даргоҳда ишлаётганимга олти йилдан ошди. Кўплаб болалар кўз олдимда улғайди. Бугун 9-синфни битираётган Вованинг эришган муваффақиятлари жуда кўп.

2007-2008 ўқув йилида у Республика «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилик жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармалари томонидан ташкил этилган «Камалак жилоси» расмлар танловининг Республика босқичи ғолиби бўлди.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ёш фазогирлар» тўгарагининг ракета модели бўйича фахрли II ўринни эгаллади. У чизган суратларда ёшлик завқи, олдинга интилиш, чексиз орзулар ўз аксини топганди.

Муассасамизда Вова сингари болалар кўпчиликни ташкил этади. Юртбошимиз, ҳукуматимизнинг эътибори, қўллаб-қувватлаши туфайли тақдир чорраҳаларида ҳеч бир яқин кишисиз қолган болалар ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб яшамоқда. Колаверса, уларнинг яшаши, ўқиши давлатимиз ҳимоясида.

Байрамларда ҳам бизнинг қўли очиқ, ҳиммати баланд, саховатпеша халқимиз вакиллари болаларга тўкин-сочин дастурхон ёзиб, хайр-саховат кўрсатади. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ўқитувчи ва талабаларининг Меҳрибонлик уйига ташрифи болаларимизга олам-олам қувонч улашди. Шунингдек, Чилонзор ва Бешёғоч буюм бозорлари маъмурияти томонидан ҳар бир байрамда болалар учун чиройли дастурхон ёзиш ҳам анъанага айланган. Яна шундай ҳомийларимиз борки, улар нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам болаларимизни қўллаб-қувватлаб туришади. Республика ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондонлиги, Қуролли қучлар ансамблининг тез-тез Меҳрибонлик уйига ташриф буюришлари, концерт дастурлари уюштиришлари болалар қалбига ажиб бир нур, завқ олиб киради.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига Меҳрибонлик уйида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу куни бу ерда Халқ таълими вазирлиги, Республика «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилик жамғармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги ҳомийлигида турли тадбирлар бўлиб ўтади.

Болалар халқимиз, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган мурувват ва эътибордан баҳраманд экан, ўзларини ҳеч қачон ёлғиз ҳис этишмайди. Тақдирнинг бешафқат измига ташлансада, барибир яшашга, яшаганда ҳам бошқаларга ўрнак бўлиб, ўқиб, ўрганиб, жамиятда ўз ўрнини топишга интилаётган болалаларга қараб, фахр билан: «Дунё сеникидир, болажон» дегим келади.

Хурсандой ХОЛОВА,
Тошкент шаҳридаги А.П.Хлебушкина номли 22-Меҳрибонлик уйи директор муовини.

Катта ҳаёт бўсағасида

Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда, юртимизда 9769 та умумтаълим мактаби бор. Куни кеча бу мактабларнинг барчасида сўнгги қўнғроқ садолари янгарди. 9 - синфни битираётган 595295 нафар, 11 - синфни битираётган 108533 нафар ўқувчи қадрдон мактаби, қўлига қалам тутиб, сабоқ берган устозлари, синфдош дўстлари билан хайрлашдилар.

Энди улар замонавий, барча талабларга жавоб берадиган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув даргоҳларида ўз билим ва малакаларини оширадилар. Юртимизда ёш авлоднинг малакали касб-ҳунар, етук билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Одобнома

Салом ҳам, алик ҳам самимий бўлса...

Одоб-ахлоқ меъёрига кўра, таниш, нотаниш кишилар бирор муносабат билан учрашиб қолишса, албатта, салом бериб кўришишлари лозим. Яқин танишлар, қариндошлар фақат саломлашиб қолмай, бир-бирларининг ҳол-аҳволларини, оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғларининг саломатликларини ҳам сўрашадики, бу яхши фазилатдир.

Бир киши салом берганда, дарров алик олиш ҳам одобдандир. Салом берганда "Ассалому алайкум", деб тўлиқ айтиш жоиз. Саломга жавоб ҳам тўлиқ — "Валайкумас-салом", дейилиши шарт. "Ассалом", "Салом", "Салом бердик", "Валайкум салом" каби саломлашишлар одобсизлик саналади.

Бошни тик тутиб, қўлларни кўкракка қўйиб салом бериш одоб белгиси ҳисобланади.

Бир неча кишини учратиб қолган одам, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида салом бериши шарт эмас, ҳаммага эшитиладиган қилиб салом берса кифоя. Ёши кичик киши ёши каттага, юриб кетаётган киши ўтирган одамга, уловдаги одам пиёдага салом бериши лозим. Камситгандай, таҳқир қилгандай илжайиб салом бериш одобсизлик саналади. Салом самимий бўлиши лозим. Алик олган киши бошини шунчаки қимирлатиб қўймай, аликни ҳурмат билан, тўла-тўкис, эшиттириб айтиши керак. Танишини узоқдан кўриб қолган киши, унинг ёнига кела олмаса, ўша ерда туриб, қўлини кўксига қўйиб салом ишорасини қилса ҳам бўлади.

Қўл бериб саломлашганда қўлнинг учини узатиб саломлашиш манманликка, кибрга киради. Чунки бундай саломлашиш салом берган кишини камситиш, уни назарга илмаслик белгиси ҳисобланади. Узоқ вақт бир-бири билан учрашмаган кишилар қучоқлашиб кўришишлари мумкин. Бир неча киши таом еб ўтирганда хонага кириб келган одам қўл бериб кўришиши шарт эмас.

Эркак кишининг эркак киши билан ўпишиб кўришиши уят саналади. Эркак билан аёл учрашиб қолса, аввал аёл киши салом бериши лозим. Ота ишдан қайтганда фарзандлари ва аёли уни "Ассалому алайкум", деб кутиб олиши тарбияли оиланинг фазилатидан далолатдир.

Акс-садо

КОМПЬЮТЕР ЎЙНАГАН ЎСМИР

«Уяли телефондаги уятли расмлар» мақоласини ўқиб

Болалар — келажагимиз. Шу боис, фарзандларимизнинг бахту саодати учун қайғурамиз, улардан ҳеч нарсани аямаймиз. Аммо уларни етук инсон қилиб камолга етказиш учун фақат яхши шарт-шароитлар яратганимизнинг ўзи етарлимикин? Бугун ҳар бир ота-она шу саволни ўзига бериб кўриши керак. Чунки давр, оламшумул ўзгаришлар шуни тақозо этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозир барчамиз энг тезкор ахборот манбаи бўлган интернетдан фойдаланамиз. Бу бебаҳо ютуқлардан фарзандларимиз ҳам фойдаланаётгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо кун сайин кўпайиб бораётган «Интернет кафе»ларда интернет саҳифаларидан фойдали маълумот олиш у ёқда турсин, компьютердаги аллақандай ўйинлар ишқибозларини кўпроқ учратиш мумкин. Бу эса, айрим болаларни мактабдан, китобдан, меҳнатдан, фикрлашдан узоқлаштиряпти.

Навоий шаҳридаги мавжуд «Интернет клуб», «Интернет кафе»ларнинг аксарият мижозлари 10-15 ёшли ўсмирлар. Улар бундай янги «бизнес ўчоқлари»да ҳар куни бир неча соатлаб бемақсад вақт ўтказишмоқда. Эрталаб уйдан мактабга кетяпман, деб чиққан баъзи ўсмирлар тўғри «Интернет клуб»га боради. Сумкани бир чеккага қўйиб, ота-онаси тушлик учун берган пулни компьютерга сарфлаб, соатлаб шу ерда ўйин ўйнайди. Мониторда бир-бирини дўппослаган, бир-бирини қувган, бир-бирига ўқ отган ўйин қаҳрамонларини кўриб, уларга ўхшагиси келади. Бундай болаларнинг билими, дунёқараши, фикрлаш доираси ҳақида ким қайғуради?

Тўғри, аксарият ёшларимиз берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз устида ишлаб, чуқур билим олмоқда. Улар келажакда, етук инсонлар бўлиб, албатта, халқимиз корига ярайди, юртимиз фахрига айланади.

Юртимизда «Мактаб—маҳалла—оила» концепцияси, яъни уч бўғиннинг ўзаро ҳамкорлиги самарали натижалар бермоқда. Масалан, оила, маҳалла билан ҳамкор мактабларда давоматда ҳам, илмий, маънавий-маърифий ишларда ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Навоий шаҳридаги 11-умумтаълим мактаби маҳалла ва оила билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ўқув муассасаларидан ҳисобланади. Мактаб жамоасининг саъй-ҳаракати туфайли мактаб яқинида жойлашган кўп қаватли уйлардан бирининг ертўласида фаолият юритаётган компьютер хона фаолиятига чек қўйилди. Бу ерда ишловчи А.Аҳадов минг сўмга 1996 йилда туғилган мактаб ўқувчиси Ш.Анваровга порнографик тасвирлар тушириллган кинороликларни ёзиб бераётганда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг март ойида ўтказилган тезкор тадбир давомида Навоий шаҳар Марказий деҳқон бозори ҳудудида жойлашган «CD» ва «DVD» дискларини сотиш шохобчасида «Пайнет» хизмати кўрсатувчи 1988 йили туғилган А.Зарипов фуқаро Р.Сабуровга 6500 сўмга порнографик мазмундаги 26 та фильм ёзилган бир дона «DVD» дискни сотаётганда ашёвий далил билан қўлга олинди. А.Зариповга Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Шунингдек, 1988 йилда туғилган Н.Халилов ҳам фуқаро К.Олимовнинг уяли телефони хотирасига 5500 сўмга порнографик мазмундаги 8 та видеоролик ёзиб берганлиги ва шу мазмундаги фильмлари бўлган дискни сотганлиги аниқланиб, жарима жазосига тортилди, жиноят куроли бўлган компьютер тўплами давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ўсмирлар ҳаётига бефарқ бўлмайлик. Бола ҳеч қачон безори ёки жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унга ҳаётдаги нотўғри тарбия, носоғлом турмуш тарзи, энг аввало, оиладаги муҳит кучли таъсир кўрсатади. Шундай экан, баркамол авлод тарбияси фақат орзу-ниятимизга эмас, балки амалдаги ҳаракатимизга, бу эзгу йўлдаги жонкуярлигимизга ҳам боғлиқ.

Садриддин ҲАМРОЕВ,
Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси ходими.

Mahalla
ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
236-53-93 236-53-75,
236-57-62 Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.

Навбатчи: Ўктам Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Аброр Ярматов
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

"Ўзбекистон" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй
Нашр кўрсаткичи: 148

Топширилди — 22.45
18685 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7474